Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

19 октябрь, пайшанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 203 (1205)

ИШЧИСИ МАНФААТДОР КОРХОНАГИНА БОЙ БЎЛАДИ

Бугунги кунда касаба уюшмаси қўмиталарининг вазифаси нималардан иборатлигини тушунмайдиган ишчи ёки деҳқон топилмаса керак. Ҳақиқатан ҳам қайси ишчи ўз ғамхўрини билмайди? Зеро, касаба уюшмалари уларнинг яхши ишлаши, яшаши ва дам олиши учун қайғурадиган, шароит яратиб бериши лозим. 18 минг меҳнатчи ишлаётган «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитаси ҳам мана шу йўналишда ўзига хос ишларни амалга оширмоқда.

Иқтисодий танглик давом этаётган айни пайтда ишчиларни ҳимоялаш ҳаммадан зарур вазифа бўлиб қолди. Жамоада ишлаётган ишчилар маоши мунтазам ошириб келинмоқда. Масалан, ҳиссадорлик жамияти аъзоси бугунги кунда ўртача 1270 сўм маош олаётир. Хўш, вилоятда бошқа жамоаларнинг касаба уюшмаси қўмиталари ҳам ўз ишчисига шу даражада қайишяптими?

Ҳиссадорлик жамияти олган фойдасидан ишчиларини қуруқ қўяётгани йўқ. Уларни моддий ва ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Ҳолбуки, бу мақсадлар учун 1,5 йил ичида 400 минг сўм маблаг сарфлаган. Корхона касаба уюшма қўмитаси тиббиёт-санитария қисми билан биргаликда «Соглом авлод учун» дастурини ишлаб чиққанига ҳам анча вақт бўлди. Дастурга мувофиқ ҳозирги кунда 350 ўринли касалхона, ҳар сменада 150 беморни қабул қиладиган поликлиника, шунингдек, аёллар маслаҳатхонаси ва бошқа бўлимлар фаолият кўрсатмоқда. Улар ўтган йилнинг ўзида 20 мингга яқин кишига хизмат кўрсатганини таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, 12 та болалар боғчаси, 30-ўрта мактаб ҳам корхона оталигида. Тўғрироғи, бу даргоҳларда 1817 нафар кичкинтой ҳамда ўсмирлар ўлгайишаётир. Корхона ҳар йили улар учун 17 миллион сўм маблаг ажратяпти. Қолаверса, «Ёш тўқимачи» болалар оромгоҳи ҳар мавсумда 700-800 нафар болани ўз бағрига олади. Бу оромгоҳлар учун йилига 1 миллион сўмга яқин маблаг сарфлашга тўғри келаяпти.

Корхонадаги санаторий-профилакторийда, масалан, ўтган йили 1440 ишчи-хизматчи ўз соғлигини тиклаб олди. Қисқаси, яхши ишлаган жамоа яхши дам олишга, фаровон ҳаёт кечиришга ҳақлидир. Ўтган йили «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти 353 миллион сўм соф фойда олишга эришган эди. Ушбу маблагнинг 8 миллион сўмдан зиёди ишчи-хизматчиларни рағбатлантиришга сарфланди.

Ечимини кутаётган муаммолар ҳам бисёр. Масалан, бош корхонадаги 1, 2-йигирув-тўқув фабрикаларида, Қоракўл, Вобкент туманларидаги филиалларда чанг миқдори нормадагидан анча юқори. Ип бўяш ва оҳорлаш фабрикаларида айрим кимёвий моддалар очиқ сақланмоқда. Бунинг инсон саломатлигига қанчалик таъсир қилиши ҳақида гапирмай қўяқолайлик. Баъзи цехлар эса лозим бўлган даражада ёруғ эмас...

Буларнинг ҳаммаси корхонанинг ўзига боғлиқ муаммолар. Озгина қунт бўлса, ечими топилади. Қисқаси, ишчисини ўйлаган корхона ёки ташкилот бой бўлишига шубҳа йўқ. Биз «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти уюшмаси қўмитаси томонидан олиб борилаётган ишларни кўриб, юқоридаги хулосага келдик.

Маннон ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тўрақўрғон туманидаги «Ахсикент» турк-ўзбек қўшма корхонасида тикилаётган кийим-бошлар ўз сифатлилиги билан ажралиб туради. Бу ерда тикилаётган болалар, аёллар ва эркаклар кийим-бошлари шу боис харидорларга манзур бўлаётир. Корхона эришаётган муваффақиятларда Раҳимахон Мамажонова етакчилик қилаётган бригада жамоасининг ҳам катта ҳиссаси бор.

СУРАТДА: қўшма корхонанинг илғор бригадаси бошлиғи Раҳимахон Мамажонова.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

МЕҲНАТ ҚАДР ТОПГАН ЖОЙДА...

Наманган вилоятидаги узумчиликка ихтисослашган «Шербулоқ» жамоа хўжалигида ҳосилдорлик йилдан-йилга ошиб бораётганлигининг боиси бор, албатта. Илгарилари пишиб етилган узумлар ишчи кучи етишмаслиги туфайли йигилмасдан пайкалларда қолиб кетарди. Йиғиштирилганлари ҳам сарсонгарчиликлардан сўнг зўрга истеъмолчиларга етиб борарди. Бу ҳолнинг олдини олиш мақсадида жамоа хўжалигида «Ижодкор» агрофирмаси билан ҳамкорликда қайта ишлаш цехи қуриб ишга туширилди.

Айни дамларда боғда ҳам, цехда ҳам ишлар қизғин. Миришкорлар ҳосилни нес-нобуд қилмасдан тезроқ йиғиштиришга, кўпроқ даромад олишга ҳаракат қилишаётган бўлса, цех ишчилари эса бир сменада 5 тоннадан ортиқ узум шарбати тайёрлашга эришишмоқда. Шуни айтсалар керак-да, қаерда меҳнат қадр топса ўша жойда сифат ва маҳсулдорлик юқори бўлади, деб.

Ў. ХАЙДАВОЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• *«Оқ олтин» — 95*

СУРЪАТ БЎЛСА...

КЕЧА ёғиб ўтган ёмғирдан сўнг чанг-ғубордан тозаланган далаларда бугун ўзгача кўтаринкилик, одамлар кайфиятидан тобора яқинлашаётган маррани эгаллаш иштиёқини сезиш қийин эмас. Даладами, кўча-куйдами, барча ёшу-қарининг суҳбат мавзуси битта — йиллик пахта тайёрлашнинг бориши, кунлик суръат.

Янгийўл тумани истиқболни белгилаш бошқармасининг бошлиғи Абдуғани Эргашев билан суҳбатимиз ҳам шу мавзуда бўлди. Бу ерда нафақат жамоа хўжаликлари балки, ширкатлар, бригадалар, ижарачи жамоаларнинг пахта тайёрлашда кунлик кўрсаткич бўйича ўсганлигини ёки пасайганлигини аниқ-равшан билиб олиш мумкин. Қаерда суръат бўшаштирилган бўлса, дарҳол кечаю-кундуз ишлаб турган «штаб»га хабар қилинади. У ерда тегишли чора-тадбирлар кўрилади.

— Ҳозиргача туманда 15 минг тоннага яқин пахта тайёрланди. Ўтган йилга нисбатан 20 фоиз олдиндамиз. Абдулла Ортиқов, «Дўстлик», «Тинчлик» жамоа хўжаликлари карвонбошилик қилишмоқда, — дейди А. Эргашев қўлимиздаги маълумотномани шарҳлар экан, бу сафар тўрт йилдан бери насиб қилмаган ғалаба нашидасига эришиб, қолоқлик доғини ювиш ниятидамиз.

Ана шу мақсадга эришиш учун тумандаги мавжуд барча имкониятлар йиғим-теримга сафарбар этилган. Шу кунларда 6 мингдан зиёд одам йиғим-теримда иштирок этяпти. Терим машиналарининг, кўсак чувиш техникаларининг кучидан унумли фойдаланиш тадбирлари кўрилганлиги, терилган пахтанинг ҳар килограмми учун икки сўмдан ҳақ тўланаётганлиги, талабчанлик ва тадбиркорлик билан иш юргизилаётганлиги пахтакорларни тобора марра сари яқинлаштирмоқда.

1995 йил туман ғаллакорлари учун ҳам унумли бўлди. Улар режадагидан 1,5 баробар кўп хирмон кўтаришди. Давлатга 11500 тонна ўрнига 12674 тонна ғалла топширилди. 6000 тонна ғалланинг бир қисми уруғлик учун ғамланиб, қолгани аҳолига тақсимлаб берилди. Ҳозирги кунда кузги ғалла экиш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Бу йил ўтган йилга нисбатан 2,5 минг гектардан кўпроқ майдонга ғалла экилиб, ялпи хирмон 25 минг тоннага етказилди.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўлида қилинаётган тинимсиз изланишлар, амалий ишлар ўз самарасини бермоқда. Туманда 307 та фермер хўжаликлари ташкил этилган. Уларга 1532 гектар суғориладиган ер ажратилган. Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида фермер хўжаликларида 5200 тонна сабзавот, 195 тонна картошка, 500 тоннадан ошиқ полиз, 305 тонна мева, 310 тонна сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди.

Одамларни қўшимча иш жойлари билан таъминлаш мақсадида кичик корхоналар барпо этиш жадал суръатлар билан давом этмоқда. Ҳозиргача, пахта заводлари қошида қуриб ишга туширилган нотўқима ашёлар цехи, мева ва сабзавотларни қуритувчи «САНДВИГ» қўшма корхонаси, «Тинчлик» жамоа хўжалигидаги сутни қайта ишлайдиган ҳамда ёғоч қипиғидан хона поллари учун (ДСП) материал тайёрловчи цех каби ўнлаб корхоналар ишлаб турибди ёки қурилишлари ниҳоясига етказилмоқда. Туманлаги барча хўжаликларда ун тегирмони, шоли оқловчи жувозлар аҳолига хизмат қилаяпти.

Бундан ташқари туманда чорва фермаларини хусусийлаштиришга алоҳида эътибор берилянти. Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида «Дўстлик», «Ниёзбош», «Озод», «Қовунчи» жамоа хўжаликлари фермалари хусусийлаштирилди. Йил охиригача қолган 6 хўжалик фермаларини ҳам шахсий мулкка айлантириш учун ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда.

Кейинги олти йил мобайнида туман раҳбари уч карра алмашган жойда барча соҳаларда ривожланиш бир маромда кетмаслиги табиий ҳол. Уларни изга тушириш, қолоқлик доғини ювиш, албатта, туман аҳолисининг меҳнатига, раҳбарларнинг тинимсиз изланишларига, тадбиркорлигига ва ташаббусига боғлиқ.

Ю. БЕКМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Республика Вазирлар Маҳкамасида зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг хўжалик-молиявий аҳволини кўриб чиқиш бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда барча вилоят ҳоким ўринбосарлари, вазирликлар, уюшма, концерн, ассоциация, корхона-ташкилотлар, банкларнинг масъул раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни республика Бош вазирининг ўринбосари, «Банкротлик бўйича қонунни амалга ошириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги ҳукумат комиссияси раиси Бахтиёр Ҳамидов бошқарди.

Йиғилишда вилоят кенгаши раҳбарларининг ҳисоботи, шунингдек, вазирликлар, ташкилотлар раҳбарларининг маълумотлари тингланди. Йиғилишда барча вилоятлар комиссиялари иши кўриб чиқилди, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон вилоятида бу борадаги аҳвол қониқарсиз деб топилди ва қаттиқ танқид қилинди.

Шунингдек, Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида ҳам зарар кўриб ишлаётган корхоналар кўпчиликни ташкил этиши, булар, асосан, «Ўзбексавдо», «Ўзбекенгилсаноат», Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатхўжаликқурилиш», «Ўзқурилишматериаллари» ва кинофикация тизимидаги корхона ва ташкилотлар эканлиги айтиб ўтилди.

Йиғилишда комиссия фаолиятини бошлаганидан буён зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони 2 баравар қисқаргани маълум қилинди. Лекин шунга қарамасдан зарар билан ишлаётган корхоналар хали кўплиги таъкидланди. Корхоналарнинг зарар кўриб ишлашининг сабаблари асосий фондлардан оқилона ва самарали фойдалана билмаслик, рақобатга дош беролмайдиган, сифати паст маҳсулотларни ишлаб чиқариш натижасида омборларда бу маҳсулотларнинг йиғилиб қолганлиги, таннархларнинг ошиб кетишига сабаб бўладиган ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган сарф-харажатларнинг кўпайишида эканлиги қайд этилди.

Республика Олий хўжалик суди раиси М. Абдусаломов комиссия йиғилишида ахборот бериб, шу кунгача республика миқёсида 95 та корхона бўйича ҳужжатлар Олий хўжалик судига банкротлик қонунига асосан иш қўзғатиш учун топширилганлиги, Олий хўжалик суди шундай корхоналарнинг 46 таси фаолиятини кўриб чиқиб, илгари банкрот деб эълон қилинган 9 та корхонага қўшимча 8 та корхона қўшилганини маълум қилди.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонунининг бекаму-кўст бажарилишини таъминлаш инфляциянинг олдини олишда муҳим омил бўлиб, иқтисодиёт самарадорлигини ошириш, пировард натижада миллий валютамиз қудратини кўтаришга катта ҳисса қўшиши таъкидланди.

Сўнгра ҳукумат комиссияси томонидан бу борада маълум чора-тадбирлар ва тегишли қарорлар қабул қилинди ҳамда уларнинг бажарилиши бўйича аниқ муддатлар белгилаб олинди.

Қуйида банкротлик деб эълон қилинган ва санация белгиланган ташкилотларнинг рўйхати илова қилинмоқда:

Қарздор корхона	Даъвогари	Ишнинг натижаси ва муддати
1. Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги «Самарқанд» ҳудудий савдо-ишлаб чиқариш концернининг универсал улгуржи базаси (раҳбари — Р. Мусаев)	Республика Саноат-қурилиш банкининг Самарқанд вилоят бўлими	1995 йил 6 октябрда Самарқанд вилоят хўжалик суди банкрот деб эълон қилди
2. Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги «Самарқанд-кийим» ҳиссадорлик жамияти (раҳбари — А. Умаров)	Ўзсавдогарбанкнинг Самарқанд бўлими ва вилоят прокуратураси	1995 йил 9 октябрда Самарқанд вилоят хўжалик суди банкрот деб эълон қилди
3. Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги «Боғишамол» савдо-ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти (раҳбари — Х. Баҳромова)	Ўзсавдогарбанкнинг Самарқанд бўлими ва вилоят прокуратураси	1995 йил 9 октябрда Самарқанд вилоят хўжалик суди банкрот деб эълон қилди
4. Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги «Султон» кичик корхонаси (раҳбари — У. Ярашев)	Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар прокуратураси	1995 йил 12 сентябрда Сирдарё вилоят хўжалик суди банкрот деб эълон қилди
5. Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги «Зарафшон» савдо-ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти (раҳбари — А. Сафаров)	Бухоро вилоят прокуратураси	1995 йил 4 октябрда Бухоро вилоят хўжалик суди банкрот деб эълон қилди
6. Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги «Регистон» савдо-ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти (раҳбари — Г. Аветисов)	Ўзсавдогарбанкнинг Самарқанд бўлими	1995 йил 11 октябрда Самарқанд вилоят хўжалик суди банкрот деб эълон қилди
7. Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги «Самарқанд» савдо-ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти (раҳбари — А. Қодиров)	Ўзсавдогарбанкнинг Самарқанд бўлими	1995 йил 10 октябрда Самарқанд вилоят хўжалик суди банкрот деб эълон қилди
8. Тошкент шаҳридаги «Мустақиллик» масъулияти чекланган ҳиссадорлик жамияти (раҳбари — Ғ. Муллақандов)	Тошкент шаҳар прокуратураси	1995 йил 9 октябрда Тошкент вилоят хўжалик суди банкрот деб эълон қилди.

РЕСПУБЛИКАДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1995 ЙИЛ 18 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(ФОИЗ ҲИСОБИДА)

биринчи устун — вилоятлар, иккинчи устун — бир кунда терилган пахта, учинчи устун — мавсум боошидан буён

Андижон	**0,29**	**107,66**
Хоразм	**0,45**	**101,63**
Наманган	0,91	99,01
Фарғона	0,75	96,28
Навоий	0,18	93,31
Бухоро	0,48	92,38
Тошкент	0,15	85,38
Қашқадарё	0,27	85,37
Қорақалпоғистон республикаси	0,66	78,57
Сурхондарё	0,71	78,38
Самарқанд	0,02	76,62
Сирдарё	0,16	73,48
Жиззах	0,05	71,93
Республика бўйича	**0,41**	**87,36**
1994 йилда	1,12	81,98

• БМТнинг 50 йиллиги олдидан

ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ ҚУДРАТЛИ ТАЯНЧИ

Ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ва хавфсизликни таъминлаш, давлатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида тузилган халқаро ташкилот — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бундан ярим аср муқадам ўз фаолиятини бошлаган эди.

БМТни тузиш ҳақидаги биринчи қарор 1943 йилда АҚШ, Англия, Хитой ва собиқ СССР давлатлари ташқи ишлар вазирларининг Москвадаги Кенгашида қабул қилинганди. БМТ унинг Уставида таъкидланганидек, халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойилларига амал қилиб, миллатлар ўртасида дўстлик муносабатларини ривожлантириш, иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Дастлаб БМТга 51 давлат аъзо бўлиб кирган бўлса, ҳозир уларнинг сони 180 дан ошиб кетган.

Жаҳонда тинчликни сақлаш ишини халқлар ўз қўлларига олишлари, халқаро жанжалли масалаларни тинч музокаралар олиб бориш йўли билан бартараф этиш, ирқчилик ва мустамлакачиликни тугатиш борасида олиб борган изчил кураши унинг халқаро обрўсини оширди. БМТнинг тарихий ҳужжатлари асосида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш дунё миқёсидаги вазифага айланди. Унинг саъй-ҳаракати туфайли Ер куррасида мустамлакачилик сиёсати барҳам топиб, асримизнинг 90 йилларида биронта ҳам мустамлака мамлакат қолмади. Иккинчи жаҳон уруши Германия фашизми устидан буюк ғалаба билан тугагач Осиё, Африка ва Америка қитаъларида миллий-озодлик ҳаракати авж олиб кетди. БМТ халқлар озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Натижада ўнлаб янги давлатлар мустақил тараққиёт йўлига ўтиб олдилар. Ялпи қуролсизланиш, ядровий қуроллари ишлатмаслик, ядро синовларини чеклаш, жаҳон уруши хавфини камайтиришда халқлар ҳамжамияти улкан ишларни амалга оширди, таъсирчан воситаларни ишга солди. Минтақавий уруш-жанжаллар жаҳон урушига айланиб кетишига йўл қўймади. Ярим асар давомида тинчлик ва ҳамкорликнинг қудратли таянчига айланди.

Ўзбекистонимиз 1992 йилнинг 2 мартидан бошлаб бу нуфузли халқаро ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Мустақиллик даврида республикамизнинг мазкур халқаро ташкилот билан алоқалари ҳар томонлама мустаҳкамланиб бормоқда.

Республикамиз давлат байроғи БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида магрур ҳилпираб турибди. 1993 йилнинг октябрида Президентимиз Ислом Каримов БМТнинг Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қатнашиб, унинг юксак минбаридан муҳим ва конструктив таклифларни илгари сурди. Марказий Осиёда тинчлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича доимий семинар ўтказиб туриш, Афғонистондаги уруш ҳаракатларини тўхтатиш, Афғонистон-Тожикистон чегарасидаги жанжалли масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш, Орол муаммосини халқаро миқёсда ижобий ҳал этишга доир аниқ таклифларни БМТга аъзо бўлган давлатларнинг вакиллари ҳайрихоҳлик билан кутиб олдилар. Шу йил сентябрь ойида Тошкентда Марказий Осиёда тинчлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинар-кенгаш, Нукус шаҳрида Орол муаммосига бағишланган халқаро анжуманнинг ўтказилиши фикримизнинг яққол далилидир. Жаҳондаги йирик давлатларнинг вакиллари қатнашган бу катта йиғинларда муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистонда БМТнинг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. У Марказий Осиё республикаларига инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш, иқтисодий, ижтимоий, маданий, илмий соҳаларда халқаро учрашувлар, конференциялар, симпозиумлар ўтказишга бош-қош бўлмоқда.

Ўзбекистон БМТнинг маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилот — ЮНЕСКО ҳамда болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ билан мустаҳкам алоқалар ўрнатган. ЮНЕСКО турли мамлакатларда ҳар хил илмий ва маданий тадбирлар ўтказиб туради. Унинг ташаббуси билан 1961 йилда Тошкентда ер сатҳи сувларини, 1969 йилда Самарқанда Ўрта Осиёнинг Темурийлар даври санъатини ўрганишга бағишланган симпозиумлар ўтказилган эди.

Маълумки, Ўзбекистон ЮНЕСКОга аъзо. Тошкентда ЮНЕСКО ишлари бўйича тегишли комиссия ишлаб турибди. Қисқа муддат ичида халқаро ташкилот Ўзбекистонда кенг қамровли тадбирларни ўтказишга муваффақ бўлди. Шу йилнинг февраль ойида республикамизда архитектура ёдгорликларини тиклаш бўйича халқаро комиссия ўз фаолиятини бошлади. Самарқанд шаҳрида Марказий Осиёни тадқиқ этиш билан шуғулланувчи халқаро марказ очилди. Халқаро институтнинг очилиш маросимида ЮНЕСКОнинг Бош директори Ф. Майорнинг ўзи қатнашди.

Яқин келажакда соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигини нишонлаш, Хива ҳамда Бухоро шаҳарларининг 2500 йиллигини байрам қилиш дастурини унинг Бош конференциясида тасдиқлатиб олишга ҳозирлик кўрилмоқда.

1992 йилдан бошлаб ЮНИСЕФ Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистондаги оналар ва болалар соғлиғини ҳимоя қилиш, экология фожиаларини бартараф этиш борасида биринчи қадамларни қўйди. Кейинги 2-3 йил ичида мазкур халқаро жамғарма ўғил-қизларимизни касалликларга қарши эмлаш, даволаш учун юртимизга турли хил дори-дармонлар келтирди. ЮНИСЕФнинг республикамизга кўрсатган инсонпарварлик ёрдами 1995 йилгача 5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Халқаро болалар жамғармасининг ўзбек диёрида амалга ошираётган эзгу ишлари муносиб баҳоланиб, бултур унинг Марказий Осиё республикаларидаги вакили Э. Бирердинчга «Соғлом авлод учун» ордени топширилди. ЮНИСЕФ болаларнинг касалликка чалинмаслиги учун босқичма-босқич оммавий тарзда эмлаш, болалар ўртасида кенг тарқалган касалликларнинг олдини олиш ва даволашда республикамизга катта ёрдам кўрсатмоқда.

Ўзбекистон БМТнинг бошқа халқаро ташкилотларида ҳам фаол қатнашмоқда. Мамлакатимиз бу халқаро ташкилотда ўз овози ва мавқеига эга бўлади, деб умид қиламиз. Халқлар ҳамжамиятининг юксак минбаридан Ўзбекистоннинг дунё халқларини тинчлик ва ҳамкорликка чорловчи қудратли овози баралла янграб турсин.

Анвар КАРИМОВ,
тарих фанлари номзоди.

• Тадбиркорлик сабоқлари

ТАШАББУС ВА МЕҲНАТ – ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Андижон вилояти Марҳамат туманининг Охунбобоев номидаги наслчилик хўжалиги чорвадорлари қирғизистонлик қўшнилари билан дўстона амалий алоқа ўрнатган. Хўжалик қорамол ва қўйларни боқиш учун Ўш вилоятининг Новқат туманидан 200 гектар ерни ижарага олди. Натижада мол ва қўйларни бешолти ой давомида табиий яйловда боқиш мумкин бўлди. Марҳаматликлар ўз майдонларида икки йилдан буён дон ва пахта етиштиришмоқда. Ўтган йилги пахта ҳосилининг хўжалик тасарруфида қолдирилган қисмини сотишдан олинган фойда ҳисобидан кучли насос станцияси қурилди. Бу эса ишнинг муваффақиятини таъминлади. Адирда ўзлаштирилган 280 гектар ернинг ҳар гектаридан бу йил 37 центнердан дон олинди. Кейин бу майдонларда силос учун маккажўхори ва сабзавот етиштирилди. Бу йил ғалла майдони янада кенгайтирилди. Ҳозир кузги ғалла экиш тугалланмоқда.

Чорвадорлар қишга етарли миқдорда озуқа жамғариб қўйишди. Яна буғдой ўрнида етиштирилган маккажўхоридан силос бостирилади. Ҳашаки лавлаги ҳосили ҳам мўл бўлмоқда. Хуллас, зотли моллар қишда ҳам тўйимли озуқа билан боқилади. Хўжалик швиц зотли ғунажин ва новвосларни етиштириб, вилоят хўжаликларига сотиш билан шуғулланиши ҳисобга олинса, озуқа мўл бўлишининг аҳамияти янада равшанлашади. Вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаси ташкил этган дастлабки кимошди савдосида бу ерда етиштирилган 50 бош бузоққа харидор кўп бўлди.

Марҳаматлик чорвадорлар сут ва гўшт етиштириш юзасидан давлат буюртмаларини ҳам муваффақият билан бажаришмоқда. Бу маҳсулотлар болалар муассасалари ва шифохоналарга, савдо тармоқларига узлуксиз етказиб берилмоқда.

Хўжалик раҳбари Йўлдош Маҳсудов билан бош зоотехник Рафиқ Аҳмедов биз билан суҳбатда илғор сут соғувчилар Мавжудахон Абдурахмонова, Олтиной Холматова ҳамда уларнинг шогирдлари Мавлудахон Дадахонова билан Инобатхон Мамажонованинг меҳнатини алоҳида таъкидлашди. Улар ҳар бир сигирдан уч ярим минг литр сут олишга ҳаракат қилишаётган экан. Юнусали Сотиболдиев, Обиджон Бўрикулов, Кодиржон Отажонов каби тажрибали молбоқарлар меҳнати сут булоғини янада тоширимоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, Охунбобоев номидаги наслчилик хўжалиги чорвадорлари қишловга одатдагидан яхшироқ тайёргарлик кўришган. Бундан ташқари, фермаларда қулай маиший шароит яратилган, текин иссиқ овқат тайёрланади, иш ҳақи ва мукофот вақтида тўланмоқда. Шу сабабли чорвадорлар унумли меҳнат қилишмоқда.

(ЎзА).

• Хусусийлаштириш

МИЛЛИОНЕР ЗООТЕХНИКЛАР

Чорвачилик фермаларига азалдан бош зоотехниклар мутассади бўлишган. Навбатдаги кимошди савдоси ҳам фермаларнинг ҳақиқий жонкуярлари ва эгалари зоотехниклар эканлигини яна бир бор исботлади. Сотувга қўйилган учта фермани зоотехниклар сотиб олишди.

Наманган вилоят тасарруфидаги «Байналмилал» жамоа хўжалиги бош зоотехниги Турсунбой Одилов энг «қўли узун» тадбиркор бўлиб чиқди. У «Гулистон» жамоа хўжалиги чорвачилик фермасини бино ва экин майдонлари, моллари-ю техникаларгача қўшиб 6 миллион 318 минг сўмга сотиб олди.

Зоотехниклар Набижон Ибрагимов, Холдорали Деҳқоновлар «Хоразм» ва «Ўзгариш» жамоа хўжаликлари фермаларига эга бўлишди. Лекин улар белгиланган 5 йил мобайнида 5,5 миллиондан зиёдроқ пул тўлашларига тўғри келади. Тадбиркорлар бунга қодиридирлар.

— Йил охиригача фермаларимизни тўлиқ хусусийлаштириш ҳаракатидамиз, — дейди Мингбулоқ туман «Агрохизмат» уюшмаси раисининг чорвачилик бўйича ўринбосари М. Тошхўжаев. — Уларнинг эгалари ким бўлишини эса вақт кўрсатади.

Қ. АКБАРОВ.

ДАВОЛАШНИНГ АНТИҚА ЙЎЛИ

Наманган шаҳрининг энг сўлим даҳасида жойлашган вилоят шифохонаси сўнгги йилларда тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Бунинг боиси бор, албатта. Касалхонада ўтган йили баҳорда маслаҳат поликлиникаси ҳамда шифобахш сув билан даволаш бўлими иш бошлаган эди. Қарийб бир йил давомида бу ерга мурожаат қилувчиларнинг сони кескин ортди. Қизиғи шундаки, дардига даво истаб келаётганларнинг аксарияти бу ердаги шифобахш сувда белгиланган тартибда мунтазам шуғулланиши натижасида ўзларини тетик ва соғлом ҳис қилишмоқда.

Мизданли сув бассейни, айланма, кўтарулувчи, ёмғирсимон ҳаво душ ва ванналарда киши организмидаги барча оғриқлар, жумладан, ошқозон, ичак, ўт пуфаги, шамоллаш турлари, шунингдек, аёллар хасталиклари даволанмоқда. Зарурий ҳолларгина дори-дармонлардан фойдаланилмоқда. Кўпинча эса терапия, физиотерапия, уқалаш, шам билан даволаш каби муолажалар бажарилаётир.

Бўлимнинг яна бир аҳамияти томони шундаки, беморлар ётиб ёки ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда қатнаб даволанишлари ҳам мумкин. Бунинг учун барча шарт-шароитлар яратиб қўйилган.

Ўктам ДЎСТЕР.

• Ҳамкорлик робиталари

«КОНСУМЕР ЭКСПО-95»

17 октябрь куни Тошкентдаги «Алпомиш» спорт саройида «Консумер Экспо-95» деб аталган истеъмол моллари халқаро кўргазмаси очилди. Кўргазмага 20 мамлакатдаги 50 дан ортиқ фирманинг турли-туман маҳсулотлари қўйилган. Кўргазмани Америка Қўшма Штатларининг «ТНТ Проакшнс ИНК» компанияси билан Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ташкил этган.

Бу ерда Австриянинг «Лего», «Зиппо», АҚШнинг «Р. Жей Рейндольс Табакко» сингари машҳур компаниялари, Германиянинг пардоз буюмлари ишлаб чиқарувчи «Велла» ва «Лонда Колор», жаҳон бозорига юксак сифатли аппаратура етказиб берадиган Японияниг «Акаи» фирмалари ўз маҳсулотларини намойиш қилмоқда. Кўргазма ўзбекистонлик тадбиркорларга мазкур фирмалар билан амалий алоқалар ўрнатиш имконини беради.

(ЎзА).

СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.

Р. ШАГАЕВ тасвирга олган.

• Бозор иқтисодиёти қонунлари

БАНКРОТЛИК

«Банкротлик тўғрисида»ги қонун (у 1993 йил 5 майда қабул қилинган) бозор иқтисодиёти даврида корхона, ташкилот ва хўжалик субъектларида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга кўмаклашиб ночор хўжалик юритиш субъектини мажбурий ёки ихтиёрий равишда тугатиш учун ҳуқуқий асос яратади.

Хўш, бу борада хўжалик судларининг зиммасига қандай вазифалар юкланган? Мухбиримиз шу ва банкротликка оид бошқа масалалар хусусида Қашқадарё вилоят хўжалик судининг раиси, биринчи тоифадаги судья, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос Мирза ТУРСУНОВ билан суҳбатлашди.

— Аввало банкротлик ҳақида маълумот берсангиз. Қанлай ҳолларда корхона ва ташкилотлар банкрот бўлган, деб эълон қилинади?

— Маълумки, ҳар бир корхона ёки ташкилот, яъни хўжалик юритиш субъекти ўз мажбуриятлари юзасидан тўла мулкий жавобгардир. Шунинг учун, қонунга мувофиқ хўжалик юритиш субъектининг банкрот бўлиши дейилганда, қарздорнинг мажбуриятлари ҳажми мол-мулкидан ошиб кетганлиги сабабли товарларга, бажарилган хизматларга ҳақ тўлаш юзасидан кредиторларнинг талабларини қондиришга қодир эмаслиги, шу жумладан, бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловлар тўланга қурби етмаслиги тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, олинган товарлар ёки бажарилган ишлар қийматини ёки солиқ ҳамда бюджетга тўланиши лозим бўлган мажбурий тўловларни уч ой муддат ичида тўлай олмаслиги корхона ва ташкилотлар банкрот бўлишининг ташқи аломатлари ҳисобланади. Корхона ва ташкилотларни банкрот деб эълон қилиш икки усул: биринчидан, хўжалик судининг қарори, иккинчидан, хўжалик юритиш субъекти ихтиёрий равишда тугатилаётганда унинг ўзи банкрот бўлганлигини расман эълон қилиш билан амалга оширилади.

Республикамизда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг ҳозирги босқичида хўжалик субъектларининг тўлов қобилиятига алоҳида эътибор берилиб, зарар кўриб ишлайдиган корхона ва ташкилотларни банкрот қилиб, уларни тугатиш чоралари кўрилмоқда. Бу борада 1995 йил 12 майда қабул қилинган «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президентимиз Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 17 июль «Банкротлик тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорлари катта аҳамиятга эга бўлди.

— Зарар кўриб ишлайдиган, яъни банкрот деб эълон қилинган корхоналарнинг фаолиятини ўрганиш, аҳволини яхшилаш бўйича вилоятда қандай ишлар қилинмоқда?

— Зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг хўжалик-молиявий фаолиятини ўрганувчи вилоят комиссияси ташкил қилинган. Унинг ҳар бир мажлисида корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти пухта таҳлил қилиниб, уларнинг тўлов қобилиятини яхшилаш учун тегишли чоралар кўрилмоқда. Имкони бўлмаганларни эса банкрот деб эълон қилиш учун вилоят хўжалик судига таклифлар киритилмоқда.

Лекин, вилоят хўжалик судида «Банкротлик тўғрисида»ги республика қонунини амалга ошириш чораларини кўриш ишлари илгарироқ бошланган эди.

Масалан, вилоят хўжалик суди республика хўжалик судлари орасида биринчи бўлиб, шу йил март ойида банкротлик ишларини хўжалик судларида кўриб чиқиш амалиётини бошлаб, апрель ойида қабул қилган ҳал қилув қарори билан Қарши шаҳар саноат-савдоси очиқ ҳиссадорлик жамиятини банкрот, деб эълон қилди.

Юқорида айтилган Фармон ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорини бажара бориб, вилоят хўжалик суди вилоят комиссияси ва тижорат банклари ҳамкорлигида қарздорларни аниқлаб, уларни банкрот қилиш масаласида тегишли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, Муборак туманидаги «Ёшлик» жамоа фирмаси суд қарори билан банкрот деб эълон қилинди, Ғузор туманидаги «Ғузор» кичик корхонасининг иши кўриб чиқилди. «Қашқадарёсавдо» концернига қарашли тижорат бирлашмаси банкрот деб эълон қилинди, Қарши шаҳар ошиқ-овқат жамоа-савдо ва «Чармагар» савдо фирмаларини банкрот қилиш тўғрисида иш қўзғатилди ва мазкур корхоналарнинг бундан кейинги тақдирини ҳал қилувчи хўжалик судининг адолатли қарорини қабул қилиш учун шу кунларда уларнинг молия-хўжалик фаолияти белгиланган тартибда таҳлил қилинмоқда.

Умуман олганда, вилоят хўжалик суди шу кунгача банкротлик бўйича 9 та иш кўриб чиқди.

Масалан, вилоят «Ўзжамхўжқурилиш» трестига қарашли 556-механизациялашган махсус кўчма колонна ва Қарши таъминот маркази корхоналарини банкрот қилиш тўғрисидаги ишлар қараб чиқилиб, мазкур корхоналарга кредитлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун имконият яратиб берилди ва улар ўз қарзларини узиб, ночор аҳволдан қутулганларидан сўнг, уларни банкрот қилиш рад этилди.

Вилоят хўжалик суди томонидан банкрот, деб эълон қилинаётган корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда аниқланишича, айрим корхона раҳбарларининг қайриқонуний ҳаракатлари, бошқарувнинг янгича, иқтисодий усулларини, тадбиркорликни билмаслан корхонани эскича, мулкига илгаригидек давлат ёки «умумхалқ» мулки сифатида муносабатда бўлишлар, халқ эҳтиёжи ва талабини ҳисобга олмаслан иш юритиши корхонани банкротга олиб келишга сабаб бўлаётганини кўрамиз.

Қарши шаҳар саноат-савдоси очиқ ҳиссадорлик жамиятини банкрот қилиш бўйича иши кўришда маълум бўлдики, мазкур корхона раҳбарлари 1994 йилнинг иккинчи ярмида Қарши саноат-қурилиш пайчилик тижорат банкидан катта миқдорлар эвазига, жуда кўп миқдорда кредит олиб, нисбатан қиммат, харидорлар дилига мос келмайдиган товарлар олиб келишган. Натижада, улар сотилмаслан, савдо дуконларида узоқ туриб қолган ва банкнинг қарзи кундан-кун, ойма-ой ошиб бориб, корхонани банкротга олиб келади. Унинг масъул раҳбарлари эса корхона молиявий фаолиятининг ночорлигига эътибор қилмасдан, «ГАЗ-24» «Волга» хизмат автомашинаси бўлишига қарамасдан, хорижда ишлаб чиқарилган қимматбаҳо автомашина олишади. Корхона хўжалик фаолияти учун керексиз айрим ишлар қилишади.

— Корхона ва ташкилотларнинг банкрот бўлиш сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

— Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, айрим корхоналарнинг молиявий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолишига корхона масъул раҳбарларининг ўйламаслан, билиб билмай айрим ҳолларда эса ноқонуний ҳаракатлари, шунингдек, баъзи тижорат банкларининг мижозлар ҳуқуқи ва манфаатларини менсимай илгаригидек монополистик ҳукмронлик усулидаги фаолияти ҳам сабаб бўлмоқда.

Қарши тижорат бирлашмаси корхонасини банкрот қилишда маълум бўлдики, ушбу корхонага хизмат қилувчи «Саноатқурилишбанк» ходимларининг айби билан тижорат бирлашмасидан банк фойдасига катта миқдордаги сумма банк фоизи сифатида асоссиз ундириб олинган ва натижада у тўлов қобилиятини йўқотган.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ хўжалик судида банкрот бўлганликка доир иш қўзғатиш учун қарздор ёки кредиторнинг, шунингдек, прокурорнинг ариза асос бўлади. Юқорида таъкидланган 9 ишнинг 6 таси қарздор корхоналарнинг ўз аризалари билан, 3 таси эса кредитор — банкларнинг ариза билан кўрилди. Биз бундан кейин ҳам бу соҳада келиб тушадиган барча аризаларни қонун асосида ҳал қилаверамиз.

«Халқ сўзи» мухбири Каримжон РИҲСИЕВ суҳбатлашди.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

МОСКВАГА КЕЛДИ

АҚШ давлат котиби ўринбосари Строуб Тэлботт ва мудофаа вазири ўринбосари Уолтер Слокомб Москвага келди.

Ташриф давомида улар Россия Федерацияси раҳбарияти билан НАТО блоки ҳамда Босния муаммоси билан боғлиқ масалаларни муҳокама этадилар. Бу ҳақда АҚШ давлат департаменти вакили Николас Бернс хабар берди. Шунингдек, у мазкур масалалар муҳокамаси АҚШ мудофаа вазири Уильям Перри билан Россия Федерацияси мудофаа вазири Павел Грачевнинг Женевадаги учрашувида бошланганини таъкидлади.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ УЧРАШУВИ

Франция ташқи ишлар вазири Эрве де Шаретт Буюк Британия ташқи ишлар вазири Малькольм Рифкинд билан учрашиб, собиқ Югославия муаммоси хусусида фикр алмашди.

Учрашувда Франция ва Буюк Британия собиқ Югославиядаги низоларни тинч йўл билан бартараф этишда фаол иштирок этаётгани таъкидланди. Иккала вазир ҳам Боснияда ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги шартномага риоя қилиниши томонларнинг ярашувига асос бўлишини таъкидлашди. Шунингдек улар, Босниядаги тинчлик жараёнида Россия ҳам фаол иштирок этиши зарурлигини қайд этишди.

ВАЗИЯТ ИЗГА ТУШМОҚДА

Боснияда серблар билан мусулмон-хорват ҳарбий қўшинлари ўртасидаги жанглар суръати бироз сусаймоқда, деб хабар беради РА-ТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

БМТнинг Босниядаги тинчликни таъминлаш кучлари қўмондони генерал Руперт СМИТ вазиятнинг аста-секин изга тушиб бораётганидан қониқиш ҳосил қилганини айтган.

50 ЙИЛДАН СЎНГ

Яқинда АҚШ Адлия вазирлиги асл келиб чиқиши литвалик бўлган Иозас Ноялис устидан тергов ишини бошлади ва уни АҚШ фуқаролигидан маҳрум этди.

Маълум бўлишича, Ноялис иккинчи жаҳон урушида Литва ва Беларус ҳудудида тинч аҳолини оммавий қирғин қилишда иштирок этган экан. Адлия вазирлигининг махсус тергов бўлими директори Эли Розенбаумнинг таъкидлашича, айни пайтда Иллинойс штатининг Сисеро шаҳрида яшаётган 74 ёшли Ноялис нотўғри гувоҳлик бериш ва уруш пайтидаги жиноятини яширганликда айбланмоқда.

ЧЕГАРАНИ БУЗИБ ЎТАЁТГАНИДА...

Шимолий Корея жосуси Жанубий Корея чегарасини бузиб ўтаётган чоғида чегарачилар томонидан отиб ўлдирилди, деб хабар беради Корея Республикаси Мудофаа вазирлиги вакили.

Воқеа икки мамлакат ўртасидаги бетараф ҳудудда содир бўлган.

ФУТБОЛ ЎЙИНГОҲИДАГИ НОРТЛАШ

Донецк шаҳри марказий ўйингоҳида футбол мусобақаси кетаётган бир пайтда «Шахтёр» футбол жамоаси президенти А. Брагин ўтирган жойда кучли бомба портлади.

Натижада А. Брагин ва яна 6 киши ҳалок бўлди. Донецк вилояти ички ишлар бошқармаси хабарига кўра, А. Брагин футбол клуби президенти сифатида эмас, балки, «Люкс» фирмасининг бош директори сифатида ўлдирилган. Чунки, у жиноятчилик дунёсига алоқадор бўлган, дея ҳисобланмоқда.

СУРАТДА: Охрид шаҳри.

• Долзарб мавзу

АХБОРОТНИНГ МЕЪМОРЧИЛИККА НИМА АЛОҚАСИ БОР?

Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси ахборот-тадбиқот марказининг директори, техника фанлари доктори, профессор Қ. РЎЗИЕВ билан мулоқот

— Қодиржон Исмоилович, аввало, марказнинг мақсад ва вазифалари ҳақида гапириб бersангиз...

— Маълумки, ишлаб чиқариш соҳасида ахборотлар, айниқса, илмий-техника янгиликлари муҳим аҳамият касб этади. Йирик заводлардан тортиб то кичик корхоналаргача тегишли ахборотларга «товар» сифатида қарашининг, қолаверса, уларнинг таркибида махсус ахборот-тарғибот бўлими фаолият кўрсатишининг боиси шунда. Чунки илмий-техника ахборотлари маҳсулот сифати ва ҳаридоргирлигини оширишда, жаҳон саноатидаги ўзгаришлар ва истеъмолчилар талабларидан бохабар бўлиб туришда қўл келади.

Қурилиш соҳасида эса илмий-техника ахборотлари ёрдамида тикланаётган иморатларнинг архитектурасидан бошлаб уларда ишлатиладиган барча хомашёлар таркибигача янгиланиб, такомиллаштириб борилади.

— Демак, қурилаётган ҳар бино ва иншоот лойиҳасининг пишиқ-пухта ва мустаҳкам, услубий-меъморий жиҳатдан кўркам бўлиши кўп жиҳатдан марказнинг фаолиятига ҳам боғлиқ экан да?

— Марказимизнинг фаолият доираси ғоят кенг. Ҳозирнинг ўзида у шартнома асосида юздан ортиқ қурилиш-муҳандислик ташкилотларига ахборот-тадбиқот хизмати кўрсатмоқда.

Булар орасида қўмиталар, концернлар, қурилиш-монтаж трестлари, илмий-лойиҳалаш институтлари ва хорижий ахборот марказлари бор. Биз уларга, Низомда белгиланганидек, республикамизда архитектура ва қурилиш соҳасида тўпланган муайян илмий техника янгиликларини, Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг архитектура санъатидаги тажрибаларни, қолаверса, ўзига хос миллий руҳдаги бино ва иншоотларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш мақсадида ота-боболаримизнинг бинокорликка оид бой меросини етказиб берамиз. Айни чоғда марказда лойиҳалаш ва тиклаш ишлари учун зарур тавсияномалар ҳамда йўриқномалар нашр этилиб, буюртмачиларга тақдим этилади. Унинг ташаббуси билан, шунингдек, қурилиш ва архитектура соҳаси бўйича халқаро кўргазма ва анжуманлар ўтказилади, хизмат сафарлари уюштирилади. Бир мисол. Шу йилнинг ўн биринчи октябрида Тошкентда халқаро семинар-кенгаш очилди. «Ўзбекистоннинг мураккаб тупроқ шароитида зилзилабардош иншоотларни қуриш» мавзуидаги бу анжуманга архитектура-қурилиш давлат қўмитаси ва унинг ахборот-тадбиқот Маркази билан бирга «Ўзсаноатфуқароқурилиш» корпорацияси ҳамда «Ўзқурилишмеханизация» республика ҳиссадорлик жамияти ҳомийлик қилмоқда. Унда республикамиз мутахассисларидан ташқари кўпгина хорижий давлатларнинг таниқли қурилиш муҳандислари, олимлар ва лойиҳалаш институтларининг ходимлари қатнашаётир. Улар бир неча кун мобайнида ўзаро тажриба алмашадилар, илмий-техник тадқиқотлар ва амалий ишларни мувофиқлаштириш тўғрисида шартномалар тузадилар. Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларнинг тарихий обидаларида мужассамлашган Шарқ меъморчилиги анъаналари ҳамда бугунги кунда қад ростлаётган маъмурий ва турар-жой бинолари билан танишадилар.

— Бугунги кунда республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида улкан қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилмоқда. Лекин мавжуд турар жой биноларида миллий услуб тархи деярли сезилмайди. Бунинг боиси нимада?

— Биз 60-70 йил давомида бинокорликда индустрия услубини кенг қўллаб келдик. Оқибатда асрлар оша сайқал топган меъморий санъатимизнинг бой анъаналарини унутиб қўяёздик. Аниқроғи, темир-бетондан уйжой қуриш оммавийлашгач, бу соҳада маҳаллий хомашёдан фойдаланиш ва миллий услубларга эътибор бериш йўқолди. Тўғри, ҳозирги кунда шаҳар кўчаларидаги салобатли бинолар нинг олд қисмига миллий услубни эслатувчи савдо дўконлари барпо этилмоқда. Бироқ аслида уларни меъморчилик санъатимизнинг намуналари, деб бўлмайди. Негаки, улар кўпинча дўкондор шахсларнинг ҳомийлигида, ҳатто енгил-елпи усулда тикланмоқдаки, аксарияти бинокорликнинг қонун-қоидаларига ҳам тўғри келмайди.

— Бунақа пала-партиш қурилган иморатлар кўпайиб кетаверса, шаҳар ҳуснига салбий таъсир кўрсатиши табиий, албатта. Бунинг олдини олиш учун қандай чоралар кўриш керак, деб ўйлайсиз?

— Бинокорлик ва меъморчилик соҳасида ягона талабқоидалар тизимини ишлаб чиқиб, уни зудлик билан ҳаётга татбиқ этиш лозим. Бу тизимга «Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисида»ги қонун мақоми берилса, янада яхшироқ бўлар эди.

— Сўнгги йилларда Самарқанд вилоятида, хусусан, Ургут шаҳрида қад ростлаётган иморатлар эътиборга лойиқ. Уларда ҳар ҳолда миллий меъморчилигимиз анъаналари, салобат ва гўзаллик мужассам. Сизнингча, бу тажрибаларни бутун республика миқёсида қўллашга нималар монелик қилаяпти?

— Юқорида айтганимдек, қурилиш соҳасидаги муаммолар илдизи шўролар даври сиёсатига бориб тақалади. Ўшанда хоҳ турар жой ва маъмурий бинолар бўлсин, хоҳ саноат иншоотлари бўлсин, ҳаммасининг лойиҳаси «юқори»дан ҳал қилинар эди. У бизнинг табиий-иқлим шароитимизга, миллий анъаналаримизга тўғри келадими-йўқми, бу билан ҳеч ким қизиқмасди. Устига устак, асосий қурилиш материаллари четдан ташиб келтирилар, бу эса иморат таннархини бир неча қисса қимматлаштирибгина қолмасдан, балки ўзимизда қурилиш индустриясини яратишга салбий таъсир кўрсатарди. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида бир қатор қурилиш майдонларида иш сусайиб ёки бутунлай тўхтаб қолганлигининг сабаби шу. Тўғри, ҳозир ҳам металл арматуралар, ёғоч маҳсулотлари, фанер, пластмасса, прокат буюмлари, гипс каби кўпгина қурилиш ашёлари Россиядан қиммат нархларда олиб келинаяпти. Оқибатда бинокорлик кўлами, буюртмачилар сони камайиб, лойиҳа институтларидаги иш ҳажми қисқармоқда. Энг ачинарлиси, йиллар давомида ташкил топган ижодий жамоаларни сақлаб қолиш муаммоси пайдо бўлди.

Маҳаллий хомашёлардан фойдаланиш муаммосига тўхталсак, бунинг ҳам бирталай сабаблари бор. Биринчидан, республикамиздаги қурилиш муҳандислари тайёрловчи олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг дастури собиқ Иттифоқ вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унда маҳаллий шарт-шароитлар, миллий услуб ва аждодларимизнинг меъморчилик бўйича бой тажрибаси эътиборга олинмаган. Ҳозирги кунда ҳам ана шу дарсликлар асосида талабаларимизга таълим берилмоқда. Иккинчидан, мамлакатимиздаги бир неча илмий-техника марказлари, олий ўқув юртларида номзодлик ва докторлик илмий даражаларини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияларнинг ялписи темирбетон ва пўлатдан қуриладиган иншоотларнинг айрим хоссаларига бағишланган. Бунга барҳам беришнинг вақти етиб келди.

— Жамият тараққиётида барибир меъморчилик ва бинокорлик муҳим ўрин тутади. Инсон тафаккурининг маҳсули бўлган барча иншоотларнинг энг умрбоқийси меъморчилик иншоотилир, деб бежиз айтилмаган. Шу боис биз қураётган ҳар бир бино ва иншоотда ҳозир республикамизда кечаётган миллий тикланиш даврининг руҳи муносиб акс этиши зарур. Шундай эмасми?

— Нима демоқчи эканингизни тушундим. Дарҳақиқат, ҳатто ҳозирги замон давлатларининг иқтисодий ривожланиши кўздан кечирилса, унда қурилиш соҳасидаги ишлаб чиқаришларнинг алоҳида ўрни борлигини кўрамиз. Зеро, ҳар қандай корхона бино ёки йирик иншоотлар ичига жойлашади. Бу ерда ишловчиларга аталган турар-жой, ўқиш, даволаниш, дам олиш, маданий-маиший масканлар ҳам бинокорликнинг бетакрор маҳсулотидир. Шу боис миллий даромад ва шахсий жамғарманинг катта улуши қурилиш харажатларига сарф бўлади. Агар биз бинокорликда маҳаллий ашёлар, миллий услубларни қўллаб, мустаҳкам ва умрбоқий иншоотлар қурсак, албатта, тежалган маблағлар эвазига халқимиз фаровонлигини таъминлаган, давлатимиз қудратини эса янада оширган бўлардик.

— Бугунги кунда ахборот ва тадбиқот тизимида қандай муаммолар мавжуд? Уларни ҳал этиш учун қандай чоралар кўрилмоқда?

— Юқорида таъкидланганидек, бизнинг асосий вазифамиз мамлакатимиз ва жаҳонда архитектура ва қурилиш соҳасида тўпланган энг сўнгги илмий-техника ютуқларидан бинокорларимизни бохабар қилиб бориш, узимизда ва хорижда ишланган янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишни уюштириш, давлат меъёрлари, қоидалари ва йўриқномаларини нашр этишдан иборат. Бунинг учун турли воситалардан, жумладан, матбаа усулидан кенг фойдаланамиз. Бироқ, қоғоз, матбаа хизмати кўрсатиш, транспорт ҳаражатларининг ошиб бориши ишимизда бирмунча қийинчиликларни туғдирмоқда. Шунинг учун Низомда белгиланган фаолиятлар доирасини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш туфайли айланма маблағни кўпайтирмоқдамиз. Хусусан, тижорат-воситачилик фаолияти орқали корхоналар, ширкатлар, хусусий фирмалар ва ҳатто фуқароларга ҳам тарғибот хизмати кўрсатишда, қурилиш ашёлари ва буюмлари, илғор техника ва технологияларни сотиб олишда, ортиқча ишлаб чиқариш майдонлари учун хорижий сармоядор-ижарачилар топишда кўмаклашаяпмиз.

«Халқ сўзи» мухбири Ўктам ДЎСТЁР суҳбатлашди.

• Хамкорлик робиталари

АТОМ ИҚТИСОДИЁТ ХИЗМАТИДА

Тошкентда «Истиқболли материаллар ва янги технологиялар» халқаро конференцияси иш бошлади. Конференция атом энергиясидан тинч мақсадларда, халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланишга бағишланган. Уни Ўзбекистон Фанлар академияси иссиқлик физикаси бўлими, Давлат фан ва техника қўмитаси, Республика Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги ҳамда Россия Федерацияси атом энергияси вазирлиги ўтказмоқда.

Конференцияда Ўзбекистон ва Россия Федерациясининг олимлари, шу муаммолар билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот институтларининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари иштирок этмоқда.

— Йигирманчи аср ядро энергиясини ўзлаштириш асри бўлди, ядро энергияси инсониятга мислсиз қудратли ишлаб чиқариш кучини берди, фан ва техника тараққиётининг асосий омилларидан бирига айланди, — деди Ўзбекистон Давлат фан ва техника қўмитаси раиси Пўлат Ҳабибуллаев конференцияни очар экан. Республикамиз раҳбарияти иқтисодий ислоҳотларни амалга оширар экан, бу жараёнда янги технологияларни ривожлантириш ва ўзлаштиришга зўр бераётгани тасодиф эмас. Ҳозирги кунда ишлаб чиқаришнинг кўп соҳаларида, шунингдек, тиббиётда иссиқлик физикаси ютуқларидан фойдаланилмоқда. Бироқ, фанда интеграция жараёнларини кучайтирмай туриб, бу йўналишни янада ривожлантириб бўлмайди. Россия каби Ўзбекистоннинг ҳам илмий салоҳияти жуда катта, олимларимизнинг ишланмалари бутун дунёда тан олинмоқда. Шу сабабли янги технологияларни излашда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш иккала давлат халқ хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини таъминлайди.

— Россияда конверсия жараёни жадал кечмоқда, бу жараён атом энергетикаси соҳасида ҳам давом этмоқда, — деди конференцияда Россия Федерациясининг атом энергияси вазири Виктор Михайлов. — Атомнинг тинч мақсадларга хизмат қилиши саноат ишлаб чиқаришини сифат жиҳатидан янада юқори даражага кўтаради. Шу боис фаннинг мазкур йўналишлари фундаментал тадқиқотларнинг аҳамияти катта. Россия ва Ўзбекистон олимлари ўртасида янги технологияларни, ишланмаларни, ғояларни айрибош қилиш ҳар икки томон учун фойдали бўлиб қолмай, ундан фойдаланиш технологиясига ғўла риоя этилса, экология жиҳатидан энг соф энергиядир, деб таъкидлади Ўзбекистон энергетика ва электрлаштириш вазири Валерий Отаев ўз нутқида. — Республикамизнинг электр энергиясига эҳтиёжи катта. Биз ҳозирги пайтда мавжуд иссиқлик ва гидроэлектростанцияларда етарли миқдорда электр энергияси ҳосил қилмоқдамиз, ҳатто унинг бир қисмини қўшни давлатларга экспорт қиляпмиз. Бироқ, шуни айтиш керакки, саноат корхоналаримиз электр энергиясини хориждаги шундай корхоналарга нисбатан икки-уч баравар кўпроқ сарфлайди. Электр энергияси сарфини камайтириш катта резерв бўлиб, ундан фойдаланиш зарур. Айни пайтда энергиянинг янги манбаларини, чунончи қуёш энергиясини ўзлаштириш борасида катта иш олиб борилмоқда. Россиянинг илмий марказлари билан ҳамкорлик қилиш бу фаолиятни янада юксак даражага кўтаришга имкон беради.

Конференция иштирокчилари таъкидлаганларидек, бир неча йўналишларда шундай ҳамкорлик қилиш мумкин. Фундаментал фандан ташқари, энг янги технологияларни айрибош қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, тола оптикаси соҳасидаги ишланмалар, тезлаттичларнинг янги туркумини яратиш, ғоят соф моддаларни ишлаб чиқаришнинг янги усулларини ўзлаштириш ҳам Ўзбекистондаги, ҳам Россиядаги ишлаб чиқариш ходимларида катта қизиқиш уйғотади. Шу масалаларнинг кўплари юзасидан дастлабки тарзда аҳдлашиб олинди. Кейинчалик бу аҳдлашувлар икки мамлакат олимлари ва энергетикларининг мустаҳкам, ўзаро фойдали ҳамкорлигига айланади.

(ЎзА).



Пахтакор туманидаги «Чўлпон» деҳқон-фермер хўжалигида Шакар Сафаров номи уста ғаллакор сифатида тилга тушган. У бошлиқ звено аъзолари ўз тасарруфларидаги 62 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан сифатли буғдой йиғиштириб олдилар. Звено келгуси йили бу кўрсаткични 50 центнерданга етказиш ниятида бугунги кундан астойдил меҳнат қилаётир. Айни кунларда звено далаларига буғдой экиш қизғин бораётир.

СУРАТЛАРДА: уста ғаллакор Шакар Сафаров; фермер хўжалиги далаларида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ШАРҚОНА БОЗОРЛАР КЎЗНИ ҚУВОНТИРАДИ

СОБИҚ Куйбишев шоссеси «Фарғона йўли» номи билан атала бошлагандан буён ўтган қисқа вақт ичида унинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Икки томондаги пастбаланд, кўримсиз эски уйлар, чордевор кулбалар суриб ташланиб, йўл анча кенгайтирилди.

ТОШКЕНТ шаҳрини Ўзбекистоннинг йирик индустрия ва қишлоқ туманлари марказлари билан боғловчи «Фарғона» йўли деярли бутунлай қайта қурилмоқда. Бундан ташқари йўл ёқаси бўйлаб шарқона услубда тикланаётган қатор савдо шаҳобчалари кўча чиройини очаётир. Шу жумладан, эски, тор, ноқулай Рисовий бозори ўрнида қад ростлаган шарқона кўринишдаги «Фарғона» деҳқон бозори кенг, равон Фарғона йўлининг янгича ҳусну тароватига мос бўлиб тушди.

Янги бозор анча кенг бўлиб, сотувчилар учун ҳам, харидорлар учун ҳам ҳамма зарур шарт-шароитлар яратилган. Шу боис энди бу ерга республиканинг турли вилоятларидан деҳқонлар ўз маҳсулотларини олиб келиб сотмоқдалар. Бозордаги бундай тўкин-сочинликдан атрофдаги турар-жой даҳаларида истиқомат қилувчи аҳоли ғоят мамнун.

— Илгари бозор торроқ бўлгани учунми, деҳқончилик маҳсулотларининг чўғи ҳам, тури ҳам ён-атрофдаги аҳоли талабини ончалик қондиролмаси ди, — дейди меҳнат фахрийси Г. Парамонова. — Шунинг учун кўпинча, Қўйлик бозорига борардим. Энди аҳвол бутунлай ўзгарди. Нарх-наво аввалгидан арзонлашди. Бозорнинг янги кўриниши ҳам кишини ўзига тортади. Шуниси қувончлики, бутун Тошкент бўйлаб шарқона усулда қурилаётган бозорлар кўпайиб бораяпти. Буни мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг шарофати деб биламан.

Фахрийнинг қувончи бежиз эмас, Фарғона йўли сотувчиси харидорлари янг бир муҳташам савдо мажмуи — Қўйлиқ деҳқон бозорига олиб борди. Кейинги пайтларда бу бозор ҳам бутунлай янгидан қурилди. Чор тарафда кўҳна шарқ меъморчилиги услубида тиклинган дарвозалар, атрофдаги кенг асфальт майдонлар турли уловларда қоп-қоп маҳсулот олиб келаётган деҳқонлар учун жуда қулай. Қўйлиқ шу пайтгача Тошкентдаги энг арзон бозор ҳисобланиб келган. Қайта қурилганидан сўнг у шу «фазилат»ини сақлаб қолишдан ташқари энди энг катта бозорлардан бири ҳисобланади. Бунинг боиси бор, албатта. Аввало, Қўйлиқ энг гавжум чорраҳада жойлашган. Чор тарафдаги қишлоқларга қатнайдиган йўловчилар ташиш транспортлари айнан шу чорраҳадан ўтади. Нафақат Тошкент вилояти, балки, Фарғона водийси, ҳатто Тожикистон ва Қирғизистондан ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қийналмай етказиб келиш мумкин. Бир ёқдан эса, бозор маъмурияти савдо-сотиқ ва нарх-навонинг маромини таъминлаш чораларини кўраяпти. Кейинги пайтларда сабзавот, мева, қовун-тарвуз ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотларининг хили кўпайди. Натижада нархлар ҳам барқарорлашиб, аҳолининг эҳтиёжи тўла қондирилмоқда.

Аммо бутунлай қайта қурилган Қўйлиқ бозорининг янгича муаммолари ҳам йўқ эмас. Туб таъмир баҳона анча кенгайганига қарамай, барибир торлик қиляпти. Уни янада кенгайтириш мумкин ва лозим. Зеро, бу бозорга юк олиб келувчилар тобора кўпаймоқда, бинобарин, харидорлар оқими ҳам қалинлашмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Қўйлиқ деҳқон бозори жуда қулай жойга ўрнашган. Ёнидаги ўйма бозори ҳам бир неча гектар майдонни эгаллаган. Агар катта мол бозорини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, Қўйлиқ келажаги бор бозор. Демак, расталарни кўпайтириш, бозор ҳудудини янада кенгайтириш ва уни яхшит мажмуага айлантириш давр талабидир.

А. ХОТАМОВ.

• Қишлоқлик мулкдорлар

ҚАТИҚНИ ФРАНЦУЗЧА ИВИТИШ

1991 йил бошларидаёқ «кичик корхона», «хусусий дўкон» деган сўзлар кунлик таомилимиздан ўрин ола бошлаганди.

«Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг ўша пайтдаги раиси Ҳомиджон Маъруповнинг тикувчилик цехи ташкил қилиб, ишга тушган Мўътабархонни ҳузурига чақирди.

— Опа, замон ўзгаряпти. Энди ижара, кичик корхона қиламан деганларнинг даври келяпти. Бизда биринчи бўлиб шу ишни сиз бошланг, ер бе райлик, мол олинг. Фермер борми деса, бор дейдиган бўлсин. Нима дейсиз?..

Шу бўлди-ю, июнь ойида Мўътабархон Маҳмудова турмуш ўртоғи Икромжон ака билан тўртта мол сотиб олди. Бунинг учун колхоз 7,5 минг сўм қарз берди. Қўрғонча қишлоғининг чеккасидаги ташландиқ бостирмани 14 минг сўмга сотиб олишди.

Шундай қилиб чорвачиликка ҳам биринчи қадамлар қўйилди. Хўжалик томонидан 7,5 гектар бедазор ажратиб берилди. Сигирлардан сотиб олинган сутни 28 тининдан колхозга топширди. Ўша пилнинг охиригача колхоз берган қарздан холос бўлишди. Лекин молни кўпайтириш зарур эди. Хўжалик яна 25 минг сўм ссуда берди. Мўътабар опа Қирғизистоннинг Новқат туманидан 15 та зотдор гунажин сотиб олди.

Икки қишин ана шу хороба бостирма остида ўтказишди. 1992 йил охирида хўжаликка 27 тонна сут, 5 тонна гўшт сотилди. 25 минг сўм қарздан ҳам қутулишди. Қолган маблағга тикувчилик цехини ишга туширди. Хўжалик ўша йил августида 100 минг сўм пул берди. Бу маблағга дарров тегирмон, лимонарий, пилорама қурдиришди. 100 бош қорамолга мўлжалланган янги молхона тиклашга киришишди.

1993 йилда 8 тонна гўшт, 40 тонна сут, 1994 йилда эса 82,7 тонна сут, 10,5 тонна гўшт топширишди.

— Қишлоқдаги еримизни олиб қўйиб, Марказий Фарғонанинг 82-хўжалигидан 30 гектар ер беришган, — дейди Мўътабар Маҳмудова, — 30 километр нарида, чўлда бўлса ҳам майли, деб жон-жаҳдимиз билан экин экиб, имкони борича ҳосил олянмиз. 14 гектардан 43 тонна буғдой, яна шунча сомон йиғиштириб олдик. Ҳозир олтмиш бошдан иборат қорамолни парваришлаяпмиз. Фермерлик пули оғир, қийин йўл. Мўътабархон билан бирга иш бошлаган 5 та фермер машаққатларга чидолмай, ишни бас қилишди. Айримлар ҳамон ўзини ўнглай олганича йўқ. Мўътабархоннинг фермерлик хўжалигида эса ҳамма иш аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда олиб бориляпти. Валижон Мадраҳимов, Турсунали Турғунов сингари молбоқарлар, тракторчи Муталибжон Мирзаев, сут согувчи Оминахон Охунжонова лар фермада астойдил ишлашяпти. Мўътабар опанинг ўғли Анваржон эса согилган сутни, ивитилган қатиқни пешма-неш Марғилон ипак комбинати болаларига етказиб бермоқда.

Яқинда франциялик агроиқтисодчи Бахтияр Лоро бошчилигидаги делегация Мўътабар Маҳмудованинг фермер хўжалигида бўлишиб, мўъжаз сут заводи бунёд этишга келишишди. У шу йил ишга тушиши мўлжалланяпти. Хорижлик ишбилармонлар қатиқни французчасига ивитишни ўрганишди. Ана шу усул билан тайёрланган ширин қатиқлар элга манзур бўлмоқда.

Олтин одма, олқиш ол, дейишади. Маҳалла аҳли ҳам қилинаётган ишлардан хурсанд. Мўътабархон қурдирган маҳалла чойхонаси оқсоқоллар билан гавжум. Тегирмон эса гуруллаб ишлаб турибди. Турсунбой Мўминов ҳамқишлоқларининг донини ун қилиб беряпти. Лимонарийга эса Ғайрат Мўминов қарайди. Мўтабархон ўзи чойхона ёнига қассобхона, ошхона, новвойхона қуриб Қўрғончани гавжум гузарга айлантириш ниятида ҳаракат қиляпти.

Яқинда Фарғона вилоят ҳокимлигида тадбиркорлар билан мулоқот бўлиб ўтди. Унда Охунбобоев туманидаги «Чорвадор» деҳқон фермер хўжалигининг бошлиғи Мўътабархон Маҳмудова сўзга чиқиб, бир гуруҳ тадбиркорлар билан Францияда бўлгани, Париж ва мамлакатнинг қатор шаҳарларидаги одамлар ҳаёти, фермерларнинг ишлари билан танишгани хусусида сўзлаб, у ердаги 58 ёшли фермер аёлнинг 21 йилда амалга оширган ишлари мени ниҳоятда ҳайратга солди, — деди у. — Аммо, улар уч йилда биз қилган ишлар ҳақида сўраб билиб, ниҳоятда қувонишди. Чунки биздаги шароит, қулай иқлим, ҳосилдор замин дунёнинг ҳеч бир ерида йўқ. Уни қадрига етмоқ бугунги кунларимиз, тинч-тотув ҳаётимиз учун шукрона айтмоқ, ҳалол ризқ топмоқ барчамиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Толиб ТУРСУН, Охунбобоев тумани.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

«Халқ сўзи» газетасига 1996 йил учун обуна бошланди. Газетамиз келгуси йил ҳам одатдагидек ҳафтада беш марта нашр қилинади.

ОБУНА БАҲОСИ

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА

Якка тартибдаги обуначилар учун:

1 ойга 99.25 сўм, 3 ойга 297.75 сўм, 6 ойга 595.50 сўм, 12 ойга 1191.00 сўм.

Ташкилотлар учун:

1 ойга 129.55 сўм, 3 ойга 388.65 сўм, 6 ойга 777.30 сўм, 12 ойга 1554.60 сўм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

Якка тартибдаги обуначилар учун:

1 ойга 72 сўм, 3 ойга 216 сўм, 6 ойга 432 сўм, 12 ойга 861 сўм.

Якка тартибдаги обуначилар обунани абонент қутиларига расмийлаштирган ҳолларда:

1 ойга 56 сўм, 3 ойга 163 сўм, 6 ойга 336 сўм, 12 ойга 672 сўм.

Ташкилотлар учун:

1 ойга 155 сўм, 3 ойга 423 сўм, 6 ойга 801 сўм, 12 ойга 1555 сўм.

Ташкилотлар обунани абонент қутиларига расмийлаштирган ҳолларда:

1 ойга 106 сўм, 3 ойга 318 сўм, 6 ойга 636 сўм, 12 ойга 1272 сўм.

Индекс 64608

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТЕЗ ВА ХАТОСИЗ ТАЙЁРЛАШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

ЛЕКСИКОН-ЎЗБЕКИСТОН

ЛИЦЕНЗИЯАИ МАТН ТАҲРИРЛАГИЧИ

Ўзбек, рус, инглиз, француз ва немис тилларидаги матнларни таҳрирлаш ва имлони автоматик текшириш; бой шрифтлар тўплами ва кенг графика имкониятлари; матрицали, сиёҳли ва лазерли принтерда чоп этиш; локал тармоқда ишлаш.

Ҳамкорликка дилерларни таклиф этамиз.

Тел.: ***Тошкентда (3712) 62-25-51, 62-87-31, факс 62-95-61***

Термизда (37622) 4-65-16, 4-65-14, факс 4-18-05.

Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпанияси ва Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмаси Ўздавкинокомпания бўлим бошлиғи Анвар Ёқубхўжаевга фарзанди **САРВАРЖОН**нинг фожиали вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

ДОРИ ФАҚАТ ДАВО БЎЛСИН

Соғлиқни сақлаш вазирлиги дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси бошлиғи муовини, дори воситалари экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази раҳбари, фармацевтика фанлари доктори Аҳмад Нигмонович Юнусхўжаев билан мулоқот.

— Суҳбатимиз бошида Бош бошқарманинг мақсад ва вазифалари ҳақида тўхталиб ўтсангиз?

— Маълумки, бозор иқтисоди шароитида хориж билан алоқаларимиз кучайиб бормоқда. Ташқаридан олиб келинаётган маҳсулотлар орасида табиийки дори-дармонлар ҳам кам эмас. Хўш, бу шифобахшликларнинг барчаси хавфсиз ва таъсирчанми? Уларни бехавотир ишлатса бўладими? Ушбу масалага мутасаддилик қиладиган ташкилот лозим бўлиб қолганди. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мамлакатимизда фармацевтика маҳсулотларининг сифат назорати, сертификациялаш, стандартлаш ва рўйхатдан ўтказиш бўйича ягона давлат сиёсатини таъминлаш бўйича қилган таклифи Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинди. Дори-дармонларни синаб кўриш, баҳо бериш ва қўллашга рухсат этиш билан шуғулланадиган бошқармамизнинг ташкил топиш боиси ана шундай.

Зиммамиздаги вазифаларнинг масъулиятлилиги инобатга олиниб, унинг ишини бошқариш Соғлиқни сақлаш вазирининг муовини Баҳодир Йўлдошевга топширилди. Иш Ўзбекистон бозорига сифатсиз дорилар кириб келишининг олдини олишдан бошланди. Бунинг учун Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг «Ҳавфсиз дорилар» ҳақидаги тавсияларига асосланган ҳолда, шу тизимдаги АҚШ, Германия, Япония ва Россия Федерацияси каби давлатлар фаолиятини ўрганиб чиқдик. Таҳлил натижалари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тегишли низомда ўз аксини топди. Ҳозир ушбу бошқарма таркибида сифатли дориларни Давлат рўйхатидан ўтказиш билан шуғулланувчи Фармакология, Фармакопея каби қўмиталар, замонавий асбоблар ва компьютер техникаси билан жиҳозланган лабораториялар фаолият кўрсатмоқда.

— Дори-дармонларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг аҳамияти қандай?

— Чет эл ёки маҳаллий саноатимиз ишлаб чиқарган дори-дармонлар давлат рўйхатидан ўтгандан сўнггина ҳарид қилиш ва амалиётда қўлланиш учун рухсат этилади. Бунинг учун меъёрловчи техник ҳужжатлар масъул-фармакология, фармакопея қўмиталарида чуқур таҳлил қилинади, дори сифати экспертиза марказида текшириб, зарур қолларда клиник синовлар олиб бориш асосида хулосаланади. Бу жараён аввало сифатсиз дориларни ишлаб чиқариш ёки олиб келишга чек қўйиш имкониятини берса, иккинчидан республикамизда дориларга оид тегишли ахборотлар бўлишини таъминлайди. Рўйхатдан ўтган дори воситалари давлат реестрига киритилади. Ҳозир бошқармамиз Ўзбекистонда ҳарид қилиш ва амалиётда қўлланишга рухсат этилган 5000га яқин дори воситалари ва доривор ўсимликларни ўз ичига олган реестрни чоп этишга ҳозирлик кўрмоқда. У китоб ва муайян туркум компьютерлар учун дискет ҳолида тайёрланаётир. Дориохоналар ва доришунос мутахассислар бу қўлланмаларни шу йилнинг ноябрь ойида олишади.

— Дори сифати масаласида саволимиз бор. Олайлик, Байер фирмасида тайёрланган Аспирин таъсири жиҳатидан Россия ва баъзи бошқа давлат фирмаларида тайёрланган Аспиринидан фарқ қилади. Бунинг сабаблари нимада?

— Дори ишлаб чиқарувчи фирмаларни шартли равишда иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин. Уларнинг биринчи гуруҳи янги дорилар кашф қилиш учун чуқур илмий изланишлар олиб бориб, янги дори дармонлар яратиш билан шуғулланса, иккинчи гуруҳи мавжуд дориларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирувчи ёки уларнинг ўхшашларини синтез қилувчи фирмалардир. Кашф қилинган оригинал дорининг патент муддати 20 йил қилиб белгиланган. Шу муддатдан сўнг жаҳон бозорида унинг кўплаб андозалари пайдо бўла бошлайди. Лекин «ўзлаштирувчи» фирмаларнинг ҳаммаси ҳам бу ишни қиёмига етказиб бажара олмайди.

Аспирин кашф этилганига юз йилдан ошди. Шунга қарамай Байер концерни ишлаб чиқараётган аспирин бошқа аспиринлардан фарқли равишда кучли оғриқни қолдириши, иситмани туширувчи, шамоллашга таъсирчанлиги, организмда тромбоцитлар йиғилишини камайтириши, юрак хасталигининг олдини олиши билан аҳамиятлидир. Унинг организмга сингиши анча осон. Ҳолбуки кўпгина фирмаларнинг дорилари шу жиҳатдан оқсайди, организм билан «танишиш» жараёни мураккаброқ кечади. Жумладан, яқинда Грециянинг «Специфар» фирмаси Нью аспер (аспирин) препаратида шу каби нуқсонлар меъёридан ортиқлиги туфайли уни Ўзбекистонда рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги аризага рад жавоби берилди. Дори ишлаб чиқаришнинг ягона халқаро қонуқоидаси бор. Бунинг учун мамлакатда тегишли шарт-шароит мавжуд бўлиши керак. Қолаверса, дори-дармонлар давлат рўйхатидан ўтиши, уни ишлаб чиқарувчилар устидан давлат назорати амалга оширилиши ва ниҳоят бирламчи маҳсулотни қабул қилишдан, то дори қадоклашгача бўлган барча жараён қатъий тартибда бажарилиши керак.

— Бошқарма қошидаги фармназорат бўлимига қандай ҳуқуқлар берилган?

— Яқинда Республика ҳудудидаги маҳаллий ва қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган дори воситалари ва доривор ўсимликлар сифатини назорат қилиш ҳақида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фармойиши имзоланди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ ишлаб чиқариш лицензиясига эга бўлган корхоналарда мулк тури ва қайси ташкилот таркибига киришидан қатъий назар дори-дармон ишлаб чиқариш, қадоқлаш, ташиш, сақлаш жараёнларида йўл қўйилиши мумкин бўлган чекланишларнинг олдини олиш Фармназоратнинг асосий вазифаси қилиб белгиланган. Бу кенг қўламли вазифа. Шу муносабат билан, биз фармназорат бўлими фаолиятини такомиллаштириш, унинг масъулиятини ошириш йўлларини режалаштирмоқдамиз.

— Яқинда Россия телевиденияси Ҳиндистонда тайёрланган сифатсиз дорилар ҳақида кўрсатув намойиш қилди. Ўзбекистонда шу каби воқеаларнинг олдини олиш мумкинми?

— Кўрсатувда ҳинд препаратларига мутлоқ объектив баҳо берилди, деган фикрда эмасман. Маълумки, бу мамлакатда доришунослик билан шуғулланувчи 7000 дан ортиқ фирмалар мавжуд. Уларнинг орасида халқаро сифат сертификати талаби даражасида дори тайёрловчи фирмалар ҳам бор. Россия бозоридан ҳинд препаратлари асосан арзонлиги туфайли мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган дориларни сиқиб чиқармоқда. Иккинчи томондан рўйхатдан ўтмаган дориларга харид учун «бир марта рухсат бериш» тажрибаси ҳам Россияга сифатсиз дорилар кириб келишига сабаб бўлмоқда.

Бизда «бир марта рухсат бериш» истесно тариқасида фақат муруввт ёрдами йўли билан келган дори-дармонларга берилади. Шу ўринда бир воқеани эслаб ўтиш жоиз бўлар. Ўтган йили Тошкентдаги катта бир корхонанинг тиббиёт бўлими бошлиги маслаҳат тариқасида, Ҳиндистонда тайёрланган анальгин ва гентамицин препаратларини кўрсатиб, бартер йўли билан олиб келиш ниятида эканлигини айтди. Бу препаратларнинг ҳужжатда кўрсатилган нархи ниҳоятда арзон эди. Халқимизда арзон шўрва татимас, деган яхши гап бор. Масала бизни қизиқтириб қолди. Олиб борилган текширув натижасида таклиф этилган гентамицин препаратининг «заҳарлилик даражаси» меъёрдан икки марта ортиқ эканлиги маълум бўлди. Ўрни келганда таъкидлаб ўтмоқчиман, Ҳиндистондан сертификатсиз, шубҳали фирмаларда тайёрланган дори-дармонларни ноқонуний тарқатилиши жаҳон бозоридаги ҳинд дорилари обрўсига путур етказмоқда.

— Алмати шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикаларида ишлаб чиқариладиган дори-дармон сифатига ягона талаб қўйиш бўйича йиғилиш ўтказилган эди. Унинг натижасига тўхталиб ўтсангиз.

— Унинг қатнашчиси сифатида бу йиғилиш истеъмолчиларни сифатли дори-дармон билан таъминлаш борасида айни муддао бўлганлигини айтишим керак.

Биз сўнгги йилларда Қозоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Дори воситалари сифатини назорат қилиш ва стандартлаш бош бошқармаси мутахассислари билан маслаҳатлашиб, тегишли меъёрловчи ҳужжатларни айрибошлаб турганлигимиз, бу соҳада ўхшаш тизимга эга эканлигимиз кенгаш кун тартибидаги аксарият масалаларни ҳал қилиш имкониятини берди. Маҳаллий саноат ва қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган дори-дармонларни ўзаро тан олиш ва бу масалани ягона меъёрловчи ҳужжатлар асосида таҳлил қилиш ҳақидаги лойиҳа келишиб олинди.

— Сизни Нью-Йорк академияси аъзолигига қабул қилинганингиз билан табриклаб, бу унвонга лойиқ топилган илмий ишларингиз мавзуси ва келажак режаларингиз ҳақида билмоқчи эдик.

— Мен буни Тошкент фармацевтика институти Марказий илмий текшириш лабораторияси даргоҳида олиб борган илмий изланишларимиз натижаси деб биламан. Москва ва бошқа чет эл журналларида чоп этилган илмий рисолаларимиз мавзуси фаол физиологик таъсирга эга бўлган биокомплекс бирикмалар синтези ва шу яратилган моддалар биологик фаоллиги билан уларнинг кимёвий тузилиши ўртасидаги узвийлик мавзусига қаратилганди. Ҳозир Бошқарма қошидаги Дори воситалари экспертизаси ва стандартлаш давлат маркази қошидаги лабораторияларда биологик фаол моддалар стандартизацияси ва уларнинг дори шакли технологиясини такомиллаштириш бўйича иш олиб боряпмиз. Яна бир катта ишга киришдик. Давлат фармакопеясини яратиш саъй-ҳаракатлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи» мухбири М. СОЛИҲОВ суҳбатлашди.

• *Футбол*

ОСИЁ ВА АФРИКА ҚИТЪАЛАРИНИИГ ЭНГ КУЧЛИ ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ КУЧ СИНАШАДИ

21 октябрда «Пахтакор» марказий стадионида Ўзбекистон ва Нигерия терма жамоалари ўзаро куч синашади. Африка ва Осиё қитъаларининг бу икки кучли жамоалари ўртасидаги халқаро учрашувга қизиқиш нафақат юртимиз футболсеварлари, балки хорижликлар томонидан ҳам катта бўлмоқда.

Нигерия футбол ассоциацияси 1945 йилда ташкил топган. 1959 йилдан ФИФА аъзоси. Нигерияда 326 та футбол клуби мавжуд бўлиб, бу жамоаларда 8 минг футболчи шуғулланади. Нигерия расмий чемпионатининг турли лигаларида 110 та жамоа қатнашади. Лагосдаги миллий стадион мамлакат бўйича энг катта ҳисобланади. У 50 минг томошабинга мўлжалланган.

Юртимиз футболсеварлари Нигерия терма жамоаси имкониятларини АҚШ — 94 жаҳон чемпионатидан яхши билишади. Лекин барча футбол мухлислари ҳам бу жамоанинг асосий таркибини ташкил этган ўйинчилар бир пайтлар ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони бўлишганини билишмайди. Ўшанда нигериялик ёш футболчилар финалда собиқ СССР терма жамоасини мағлубиятга учратишганди. Мағлублар сафида чемпионатнинг «Марадона»си деб ном қозонган ҳамюртимиз Миржалол Қосимов ҳам бор эди. Ўша финал учрашуви Миржалолнинг ёдидан ҳеч қачон чиқмаса керак. Чунки у бу учрашувда пеналтидан тўп кирита олмаган эди. Дунё чархпалагини ғарангки, сафида ўша футболчилардан бир нечтаси бўлган Нигерия миллий терма жамоасига қарши Миржалол Ўзбекистон терма жамоаси сафида яна майдонга чиқади. Албатта, бу галги учрашув жаҳон чемпионини аниқламайди, балки Осиё ва Африка футболи даражасига баҳо беради. Ҳозирча Миржалол Тошкентга келгани йўқ, чунки айнан 21 октябрь куни Россия чемпионлиги учун кураш олиб бораётган «Спартак-Алания» жамоаси Москвада ЦСКА га қарши майдонга чиқиши керак. Шу кунгача «Спартак-Алания» клуби раҳбарларининг Миржалолга рухсат беришидан умид қилмасак бўларди. Лекин навбатдаги турдан сўнг спартакчилар иккинчи ўринда бораётган «Локоматив» (Москва) жамоасини 6 очко ортда қолдириб кетди. Чемпионликни қўлга киритиш учун энди Миржалолнинг жамоаси қолган икки учрашувда бир очко олса кифоя. Демакки, унинг Тошкентга келишидан умид қилсак бўлади.

«Машқда қанчалик оғир бўлса, жангда шунчалик енгил бўлади», иборасининг ҳаётийлигини Нигерия терма жамоаси ўз фаолиятида кўрди. АҚШ-94 жаҳон чемпионатининг саралаш босқичида Нигерия Африканинг энг кучли гуруҳига, яъни қитъа чемпиони Кот д' Ивуар командаси ва аввалги жаҳон чемпионати қатнашчиси — Жазоир билан бир гуруҳга тушиб қолди. АҚШга йўлланма олиш учун эса гуруҳда фақат ғолиб чиқиш керак эди. Бунинг устига нигерияликлар биринчи учрашувдаёқ Кот д' Ивуарга 2:1 ҳисобида ютқазиб қўйишди. Ана шундай қийин вазиятдан қитъада «Яшил бургутлар»дея ном қозонган Нигерия жамоаси чиқиб кетаолди. Аввалига улар Жазоирни, сўнг ўз майдонида қитъа чемпиони Кот д' Ивуарни бир хил — 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Сўнгги учрашувда эса жазоирликлар билан дуранг (1:1) ўйнашиб, АҚШга йўлланма олишди. Ана шу учрашувларда масъулиятнинг жуда катта бўлганлиги учунми, Нигерия АҚШ-94 жаҳон чемпионати гуруҳ ўйинларида ўзини сувдаги балиқдек ҳис этди. Африка қитъаси вакилларининг Аргентина, Болгария, Греция терма жамоаларига қарши тўп суриб, гуруҳ ғолиби бўлишини деярли ҳеч бир футбол мутахассиси кутмаган эди. Нигерияликлар дастлабки учрашувда Болгария терма жамоасини йирик ҳисобда (3:0) мағлубиятга учратди. Жамоанинг етакчи ўйинчилари — Окочу, Сиасиа, Амокаши тўп муаллифлари бўлишди. Аргентиналиклар билан учрашувда ҳам Нигерия 10-дақиқадаёқ ҳисобда олдинга чиқиб олди. Бироқ Нвану киритган тўпга биринчи бўлим охирида жаҳон футбол «юлдуз»ларидан бири-Каниджа 2 тўп билан жавоб берди ва бу ҳисоб ўйин охиригача ўзгармай қолди. Сўнгги учрашувда Африка қитъаси вакиллари Грецияни осонлик билан мағлубиятга (2:0 — Финиди, Амокаши) учратишди ва гуруҳ ғолиби бўлишди.

Шундай бўлса-да, кўпчилик мутахассислар Нигериянинг бу «парвози»га тасодифий ҳол сифатида қарашди, жумладан, Италия терма жамоаси ҳам. Қачонки, 1/8 финал учрашувининг 27-дақиқасида италияликлар ўз дарвозасидан тўп ўтказиб юборгандан сўнггина Нигериянинг «парвози» бежиз эмаслигини англашди. Бироқ Амунике томонидан киритилган тўпга ҳар қанча уринишмасин, Италия футболчилари учрашувнинг бутун 90 дақиқаси давомида жавоб қайтариша олмади. Фақат сўнгги дақиқагина уларга қўл келди. Чемпионат давомида ўзини кўрсата олмаган Роберто Бажонинг айнан шу тўпни киритиши бирдан уни машҳур қилди, яъни Робертони севувчи, уни ҳар қанча шарафга лойиқ деб топувчи матбуот ходимлари «жонланиб» қолишди. Қўшимча вақтда пеналтидан яна Роберто тўп киритиб, ўз жамоасининг 1/4 финалга чиқишини таъминлади. Шундай қилиб, Нигериянинг жаҳон чемпионатидаги «парвози» янада баландроқ кўтарилишдан тўхтади.

Шанба куни айнан шу жамоа «Пахтакор» марказий стадионида Ўзбекистон миллий терма жамоасига қарши майдонга чиқади. Нигерияликлар юртимиз иқлимига мослашиш мақсадида, аллақачон, Тошкентга етиб келишди. Мухлислар Нигерия терма жамоаси сафида қуйидаги футболчиларни майдонда кўриши мумкин: Петер Руфаи («Фаренсе» — Португалия), Аллойсисус Агу («Льеж» — Нигерия), Аугустан Эгуавон («Картрийк» — Нигерия), Ученна Окахор («АКБ Лагос» — Нигерия), Чиди Нвану («Андерлехт» — Бельгия), Уче Окечукву («Фенербахче» — Туркия), Бабаяро Келистине («АКБ Лагос» — Нигерия), Сандай Олиссе («Кёльн» — Германия), Аугустин Окоча («Айнтрах» — Германия) Даниэль Амокаши («Эвертон» — Англия), Самсон Сиасиа («Нант» — Франция), Эммануэль Амунике («Спортинг» — Португалия), Тижани Бабангида («Рода» — Голландия), Тарибо Вест («Осер» — Франция), Уилсон Орума («Ланс» — Франция), Митиу Адеполжу («Расинг» — Испания), Виктер Икпеба («Монако» — Франция), Годвин Окпара («АКБ Лагос» — Нигерия). Жамоа раҳбарлари — Бенфере Жо, Амоду Шуаиб, Алхажи Бах Дауда, Кристиан Одунага, Муса Догояро, Салху Абубакар.

Кўриниб турибдики, Нигерия терма жамоаси аъзоларининг аксарияти Европанинг кўзга кўринган жамоаларида тўп суради. Ҳа, шанба куни футболчиларимизга осон бўлмайди. Терма жамоамиз сафида эса қуйидаги футболчилар майдонга чиқишга ҳозирлик кўришяпти:

Олег Беляков (МҲСК), Саид Турсунов, Фарҳод Могомедов («Навбаҳор»), Мурод Алиев («Пахтакор»), Геннадий Денисов («Навбаҳор») Миржалол Қосимов («Спартак» — Россия), Абдуқаҳҳор Маъруфалиев («Пахтакор»), Сергей Лебедев («Нефтчи»), Игорь Шквирин («Паханг» — Малайзия), Азамат Абдураимов («Ал-Вахта» — Саудия Арабистони), Олег Шацких («Навбаҳор»), Ёрпўлат Ёралиев («Навбаҳор»), Равшан Бозоров, Павел Бугало, Шуҳрат Мақсудов, Улуғбек Рўзимов, Илҳом Шарипов, Дилмурод Назаров, (ҳаммаси «Пахтакор»дан), Садриддин Эшмирзаев («Ситора»), Сергей Андреев («Нефтчи»), Андрей Захаров («Ситора»).

Терма жамоамиз Александр Иванков мураббийлигида майдонга чиқади. Нигерия — Ўзбекистон терма жамоалари ўртасидаги Африо-Осиё кубоги учун такрорий учрашув ноябрда Лагос шаҳрида ўтказилади.

Расул ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АКБАРШОҲНИНГ САХОВАТИ

Буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тўйига тайёргарлик жараёнида амалга оширилаётган ишлар орасида бу улуғ зот номи билан боғлиқ янгиянги асарларнинг топилиши ва кенг жамоатчиликка маълум қилиниши алоҳида ўрин тутади.

Ана шундай китоблардан бири Мутрибий ал-Асаммнинг «Тарихи жаҳонгирий» асаридир. Ҳозирги пайтда Буюк Британия кутубхоналаридан бирида сақланаётган ушбу рисола микрофильмини Самарқанддаги Марказий Осиё тадқиқотлари ҳалқаро институтининг директори, тарих фанлари доктори Ашраф Аҳмедов бу мамлакатга илмий сафари чоғида олиб келишга муваффақ бўлди.

1625-26 йилларда ёзилган китобнинг эътиборли томони шундаки, унда муаллиф Гўри Амир мақбараси даҳмасининг вайрон бўлмасдан олдинги асл кўриниши ҳақида батафсил маълумот берали. Асарда мазкур даҳма ансамблида Улуғбек иншо этган мадраса бўлганлиги ва унинг талабалари 1625 йилда ҳам ўқиганлиги хабар қилинади.

Бу ерда айтилган яна бир тарихий факт киши эътиборини тортади. Рисолада келтирилишича, ўша пайтлари, Самарқандда Жувонмард Алихон ҳокимлик қилган чоғларда Ҳиндистондан Бобурий Акбаршоҳ Гўри Амир мақбарасини таъмирлаш учун катта миқдордаги олтинни бир филга ортиб жўнатган. Демак, ҳатто 1625 йиллари ҳам ушбу ансамблнинг таъмири ва аҳволи Ҳиндистон Темурийлари диққат марказида бўлган экан.

М. МУҚИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Чевар. А. Рисхиев сурат-лавҳаси.

АҚШга ўқишга

АҚШ ҳукумати «Озодликни қўллаб-қувватлаш фаолияти» дастури эълон қилиш шарафига муяссардир. Бу дастур АҚШ ҳукумати томонидан моддий таъминланади. Бу халқаро мактаблар дастури бўлиб, ўзбекистонлик ўсмирлар АҚШ юқори синфларида ўқишлари ва америкалик оилаларда яшашларининг бир йил давомидаги моддий харажатларини АҚШ ҳукумати ўз зиммасига олади. Конкурсда қатнашувчилардан қуйидагилар талаб қилинади:

— Ўзбекистон фуқароси бўлишлари керак;

— 1980 йил 1 январдан 1981 йил 15 июлгача бўлган даврда туғилганлар;

— охирги 5 йил ичида АҚШда 3 ойдан ортиқ яшамаганликлари;

— АҚШга боришга виза олиш учун тўсқинликлар бўлмаслиги;

— инглиз тилида ёзишни ва оғзаки нутқни пухта билишлари шарт;

Ўзбекистонда 1 ва 2 босқичлар қуйидаги танлов марказларда ва қуйидаги вақтда ўтказилади:

НУКУС 23-24 октябрда,
УРГАНЧ 25-26 октябрда,
СИРДАРЁ 23-24 октябрда,
ЖИЗЗАХ 25-26 октябрда,
ТЕРМИЗ 30-31 октябрда,
ҚАРШИ 2-3 ноябрда,
САМАРҚАНД 30-31 октябрда ва 1 ноябрда
НАВОИЙ 3-4 ноябрда
БУХОРО 5-6 ноябрда
ФАРҒОНА 13-14 ноябрда
АНДИЖОН 16, 17, 18 ноябрда
НАМАНГАН 20, 21, 22 ноябрда
ТОШКЕНТ 24, 25, 26, 27, 28 ноябрда
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ 28, 29, 30 ноябрда

Агар Сиз конкурснинг биринчи босқичида иштирок этишни истасангиз, Сизда қуйидагилар бўлиши керак:

— туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома (асл нусха);

— 3x4 хажмдаги 1 дона фотосурат;

— қора ёки кўк рангли ручка, қалам ва ўчиргич;

Сизнинг ҳудудингиздаги тест танловининг жойи ва вақти ҳақида махсус маълумотлар олиш учун вилоят халқ таълим бошқармасига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, Жумҳурият ўқувчилар саройи, 5 хона, АКСЕЛС.
Телефонларимиз: (3712) 45-42-71
45-49-54 (тел/факс).

Бодомзор B bodomzor

ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАЛАРИ!

"Бодомзор" акционерлик жамияти, корхоналар, ташкилотлар ва барча манфаатдор кишилардан буюртмалар қабул қилмоқда.

Буюртма бергач, сиз янги йил кечаси ташвишлардан халос бўласиз, болаларни бениҳоя қувонтириб, хурсанд этасиз.

Совғалар яхши анъаналарда ва жаҳоннинг энг яхши қандолатчилик фабрикаларида тайёрланган.

ЮКСАК СИФАТ, АРЗОН НАРХЛАР, АЪЛО БЕЗАК.

Ҳар 40-совға бепул!

Бизнинг мутахассисларимиз сизларга буюртмалар бўйича намуналарни элтиб беришади. Намуналар бепул етказиб берилади. Ҳоқ тўлаш шакли - турлича!

БИЗ СИЗЛАРНИ КУТАМИЗ!

Қуйидаги телефонлар бўйича бизга қўнғироқ қилинг:
(3712) 63-73-96, 63-99-62, 60-05-74
Бизнинг манзил:
700140, Тошкент, Ж. Обидова кўчаси, 260-уй. Йўналиш - САМПИ институти.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Ахборот 36-29-89;
Тунги муҳаррирлик 33-10-28.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Раҳимов.
Навбатчи — Ф. Саидов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0452. 51671 нусхада босилди, қажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 20.50. 1 2 3 4 5 6